

ВАЗИЯТЛИ МАРКАЗ ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Шарипов Конгратбай Авазимбетович -  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
ректори, т.ф.д., профессор  
Исмаилова Нилуфар Сабитджановна -  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,  
“Жаҳон иқтисодиёти” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент

**Аннотация.** Мақолада олий таълим сифатини оширишда вазиятли марказнинг замонавий технологиялари баён этилган. Муаллиф замонавий илм-фан соҳасида шаклланган тенденцияни асослаб беради, унга кўра, бугунги кунда олий таълим тизимини янада ҳар томонлама, кўп ўлчовли ҳис этиш ҳамда олий таълим сифатида ва унинг ривожланиш истиқболларига таъсир қилувчи омилларни кўп режалли асосда кўриб чиқиш талаб этилади.

**Таянч сўзлар:** вазиятли марказ, олий таълим, сифат кўрсаткичлари, вазиятли марказ технологиялари.

**Аннотация.** В статье рассказывается о современных технологиях ситуационного центра в повышении качества вузовского образования. Обосновывается тенденция, сложившаяся в современной науке, согласно которой на сегодняшний день требуется более разностороннее, многомерное видение системы высшего образования и многоплановое рассмотрение факторов, влияющих на качество высшего образования и перспективы его развития.

**Ключевые слова:** ситуационный центр, высшее образование, показатели качества, технологии ситуационного центра.

**Abstract:** In article it is told about modern technologies of the situational center in improvement of quality of high school formation. The tendency which has developed in a modern science according to which for today more versatile, multidimensional vision of system of higher education and multiplane consideration of the factors influencing quality of higher education and prospect of its development is required is proved.

**Keywords:** the situational center, higher education, indicators of quality, technology of the situational center.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномада, 2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номлаб: “Мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш, рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт” деб белгиланганлар[1].

Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этади.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, балки, ортиқча харажатларни ҳам камайтиради.

Хорижий тажриба кўрсатишича, бугунги кунда Россияда инновацияларнинг ривожланиш суръати кузатилмайди ва у 1 %га тенг, ушбу кўрсаткич Финляндияда – 30% дан ортиқ, Италия, Португалия, Испанияда – 10 %дан 20 %гача ташкил қилади. Нохарбий илмий сиғимкорлиги юқори бўлган маҳсулотларнинг жаҳон савдоси ҳажмида Ўзбекистоннинг улуши қатор йиллар мобайнида

0,01 – 0,2 %ни ташкил қилади. Таққослаш учун: АҚШ – 36%, Япония – 30%, Германия – 17%, Хитой – 6% улушга эга[5]. Давлат ташаббускор новатор вазифасини ўз зиммасига олганига ва ҳар хил инновацион лойиҳалар яратилишини рағбатлантириши-га ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этишга уринаётганлигига қарамай, мамлакатни инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш расмий тусдаги жараённи ифодалайди.

«Инновациялар», «инновацион жараён» тушунчаларига оид турли таърифларнинг мавжудлиги ушбу атамаларнинг мазмунини ҳар хил ва баъзан қарама-қарши маънода тушунишга олиб келади. Шунинг негизида амалиётда умумий инновацион ривожланиш йўналишига мос келмайдиган концепция ва лойиҳаларни ҳам ушбу йўналишга “мослаш” ҳавфи вужудга келади. Инновацион ривожланиш субъектини, шунингдек у ёки бу усул ёхуд воситанинг инновационлик даражасини аниқлашда маълум қийинчиликларнинг мавжудлиги оқибатида самарасиз лойиҳаларни қабул қилиш ҳамда шусиз ҳам паст бўлган Илмий тадқиқот ва тажриба муҳандислик ишлари (ИТТМИ) учун моддий маблағларни мақсадга номувофиқ тақсимланиши рўй беради. Етакчи Ғарбий мамлакатларда ИТТМИга харажатлар ЯИМнинг 2-3 %ни,

шу жумладан АҚШда – 2,7%ни ташкил қилади, Япония, Швеция, Исроил каби мамлакатларда эса ЯИМнинг 3,5–4,5 %га етади.

Амалиёт кўрсатишича, ҳал қилинаётган масалалар бўйича фақат иқтисодий сабабларни илгари суриш жамиятнинг муваффақиятли ривожланиши учун етарли эмас. Узлуксиз, кўпинча бир-бирига зид ва қутилган натижаларга олиб келмайдиган иқтисодий ислохотлар шароитида давлат томонидан тартибга солиш йўналишларини шакллантиришда шунчаки мажмуавий ва тизимли ёндашувлардан эмас, балки кўриб чиқилаётган муаммоларга кўпдаражали ёндашувдан фойдаланиш зарурати етилган бўлса ажаб эмас[2].

Инновацион ривожланиш йўлини ишлаб чиқариш ва бошқаришда инновацияларни ихтиро қилишдан эмас, балки инновацион фикрлашдан бошлаб амалга ошириш лозим. Вазиятнинг кўпўлчовли тушунилишидан фойдаланиш жамият томонидан юборилаётган ундовчи турткиларга муносабат билдиришнинг одатдаги сабаб-оқибат боғланиш схемасидан воз кечишга имкон беради. “Муаммо – муаммони ҳал қилишнинг услубий воситаларини шакллантириш – билдирилган муаммони ечиш” боғланишини истисно қилиш муаммонинг хато ифодаланишига ва бунинг оқибатида барча кейинги изчил ҳаракатларнинг бемаъни бўлишига йўл қўймайди.

Шундай қилиб, “шакл” (функциялар, муносабатлар, алоқалар ва қонунларнинг ташқи кўриниши) олдиндан белгиланмаган ва масалани кўп ўлчовли (турли илмий ёндашувлар ва мактаблар, шунингдек ушбу соҳада шаклланган амалий тажриба томонидан) кўриб чиқиш жараёнида ўз қиёфасини ҳосил қилади. Кейинги босқичда шаклни ўзгартириш йўли билан, у ёки бу функцияларни бажариш имкониятига қараб энг тўғри шакл аниқланади ёки кескин функцияларнинг ўзи ажратилади.

Фақат ахборот технологияларидан фойдаланувчи жамоавий ёндашувгина жараёни шу тарзда кўриб чиқишга имкон беради. *Вазиятли* марказлар, жамоавий ишни ташкил қилиш услубиёти ва методикасини шакллантиришга қаратилган йўналиш ушбу вазифа учун хизмат қилади.

*Вазиятли* марказ (ВМ) – ноодатий вазиятда ташкилот ҳатти-ҳаракатлари кўринишини жўшқин жамоавий тарзда шакллантиришга мўлжалланган макон бўлиб, у асосий

ресурслар (ҳал қилинаётган масалага оид кескин ресурслар) билан таъминланган.

*Вазиятли* марказнинг, унинг кейинги тавсифи учун аҳамиятли бўлган жиҳатларни инобатга олувчи таърифнинг таркибий қисмларини санаб ўтамиз:

- Таҳлил қилинаётган вазият ва ечилаётган масаланинг ноёблиги.

- Вазиятнинг жамоавий қиёфасини шакллантириш.

- Ташкилот ҳатти-ҳаракатлари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган йиғиш нуқтаси (макондаги жой) сифатидаги марказнинг мавжудлиги.

- Ресурсларни кескин ва бошқа ресурсларга ажратиш (ечиладельган масалага боғлиқ равишда).

*Вазиятли* марказлар (ВМ) кўпфанга оид масалаларни қўйиш ва ечиш билан боғлиқ ахборот оқимлари энг кўп миқдорда тўпланадиган нуқталар сифатида тушунилади. Демак, айнан *вазиятли* марказлар кўрсатилган салоҳиятли имкониятларни амалга ошириш учун инфратузилма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ВМда қўлланадиган технологиялар қўйилган масалаларга жавоб бермайдиган таълим вазифаларнинг яратилишини истисно қилади. ВМ янги объектларнинг муваффақиятини олдиндан таъминлаган ҳолда уларни таҳлил қилишдан уларни яратиш томон ўтишга имкон беради.

Шундай қилиб, тадқиқот давомида олий таълим сифатига таъсир қилувчи салбий кўринишдаги асосий омиллар ифодаланган. Иқтисодий мутахассисликлар бўйича таълим сифатини пасайтирувчи асосий омил – ўзлаштирилаётган билимларнинг амалий фаолият учун долзарб бўлмаган, академик хусусиятга эгалигидан иборат. Бу тўғридан-тўғри олий таълимнинг ташқи ундовчи сабабларни инкор қилишини ва ёпиқ тизим доирасида фаолият юритилишини билдиради.

Университет негизида *вазиятли* марказни яратиш ва *вазиятли* марказ технологияларидан фойдаланиш ушбу муаммони тўлиқ ҳал қилиш имконини беради. Мазкур ҳолатда *вазиятли* марказ қўйилган масалаларни ечиш бўйича умумий саъй-ҳаракатларни жамлашга қаратилган ҳамда ўз тавсифи ва давомийлигига кўра турлича бўлган жараёнларни қамраб олувчи чексиз инфратузилма сифатида тушунилади. У ёки бу технологияларни танлаш, муайян техникадан

фойдаланиш айнан уларнинг мураккаблигига боғлиқ бўлади.

Мазкур ҳолатда ташқи муҳитдан жамият, давлат органлари, бизнес-ҳамжамиятнинг буюртмаси кўринишида келиб тушаётган импульс муайян кафедра ичида қайта ишланади ва таҳлил қилиш учун *вазиятли* марказга ўтказилади:

- мақсад ва вазифалар ифодаланади;
- ўқитувчи-талабалар жамоаси ичидаги роллар тақсимланади (планшетчи, модератор ва ҳ.к.);
- қўйилган муаммони ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади;
- аниқ тадқиқот учун керакли технологиялар, усуллар, методикалар ва техника танланади;
- ҳам ОЎЮ ичида, ҳам буюртмачи томонидан босқичма-босқич назорат амалга оширилади.

Алоҳида масалани ҳал қилиш бўйича бутун жараён юқори эгилувчанлик ва ҳаракатчанлик билан тавсифланади. Муаммони ҳал қилиш бўйича ишларнинг умумий тузилиши муаммонинг мураккаблигига боғлиқ. Агар берилган муаммо бир томонлама мураккаб бўлса ва уни қўшимча равишда алоҳида вазифаларга бўлиш талаб қилинмаса, у ҳолда *вазиятли* марказ иштирокчилари дарҳол фаолиятнинг иккинчи босқичига ўтади.

Агар буюртманинг таърифидан бевосита уни ҳал қилиш усули келиб чиқмаса, у ҳолда муаммони тадқиқ қилиш ва буюртмачининг фаолият соҳасига таъсир қилувчи асосий ва қўшимча мезонларни аниқлаш мақсадида *вазиятли* марказ учун алоҳида топшириқ яратилади. Ушбу ҳолатда юқорида санаб ўтилган босқичлар янги топшириқ доирасида бўлиб ўтади. Бундай ривожланиш сценарийси бир хил маъноли бўлмаган вазифаларга, масалан банк томонидан ижобий банк имижини шакллантирувчи мижозлар сиёсатини ишлаб чиқиш зарур бўлган вазиятларга хосдир. *Вазиятли* марказнинг иши “Банк имижини” тушунчасини ва унга тўғридан-тўғри таъсир қилувчи (устав капитали, ставкалар фоизи, қайтаришнинг суғурта миқдори ва ҳ.к.) ҳамда билвосита таъсирга эга (номланиши ёки жойлашган жойи билан боғланган омиллар, рақобат сиёсати ва ҳ.к.) омилларни таърифлашдан бошланади, банк фаолиятининг ижобий ва салбий томонларини аниқлайди.

Мақсад кўпдаражали бўлганда *вазиятли* марказ ичида бир хил вазифаларга эга турли таркибли бир нечта ишчи гуруҳлар ташкил этилади, бунда турли ишчи гуруҳларда қатнашаётган битта иштирокчининг ўзи бир хил вазифани (планшетчи) ёки ҳар хил вазифаларни бажариши мумкин. Ёки турли таркибдаги гуруҳлар танланади. Шундай қилиб, кафедра тимсолидаги университет аниқ иерархияга эга бўлмаган, муайян вазифаларни ҳал қилиш бўйича ақлий ҳужум марказига айланади.

Тўртинчи босқичда («технологияларни, техникани танлаш») илм-фаннинг ўзи ривожланади: қўйилган вазифани ечиш учун мавжуд маблағлар етарли бўлмаганда, янги усуллар, методикалар, технологиялар ва шу жумладан техника яратилади.

ОЎЮда *вазиятли* марказ технологияларидан фойдаланиб, замонавий таълимнинг асосий муаммоси ҳал қилинади ҳамда замонавий талабалар ташқи муҳитда керакли ва юқори даражада талаб қилинувчи кўникмалар ва билимларни эгаллайди, илмий кашфиётлар эса долзарб амалий хусусиятга эга бўлади. Шунингдек, ноҳолис шакллантирилган таълим дастурлари ва сифатсиз тадқиқот натижалари истисно қилинади, чунки экспертлар тимсолидаги ташқи муҳит ҳам тадқиқотларда, ҳам ўқитиш жараёнида бевосита иштирок этади ва уни назорат қилади. *Вазиятли* марказнинг фаолият натижаларидан ишлаб чиқаришда, статистикада, давлат бошқарувида фойдаланиш ўзаро ҳамкорликда ишлаш жараёнининг туганмас бўлишига олиб келади. Бу шуни билдирадики, агар олинган натижалар корхонада қутилган тараққиётга олиб келмаган ёки қўйилган масалани еча олмаган бўлса, у ҳолда лойиҳанинг фаолияти давом эттирилади, ўтказилган тадқиқотлар асосида мунтазам равишда тўлдириб борилаётган маълумотлар базаси эса ушбу ташқи муҳит субъекти билан бир қаторда бошқа буюртмалар бўйича ҳам янги иш босқичида қўлланиши мумкин[4].

ОЎЮ қошида *вазиятли* марказнинг фаолият юритиши натижасида таълим касбга йўналтирилган, бугунги кун ҳақиқатларига жавоб берувчи хусусиятларга эга бўлади, илмий кашфиётга интилиш эса ташқи муҳитнинг молиявий кўмаги ёрдамида рағбатлантирилади.

### Манба ва адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
2. Цифровая экономика как фактор развития систем управления владельческими рисками и обеспечения экономической устойчивости организации: монография/М.В. Хачатурян, Рос.экон.ун-т им. Г.В. Плеханова. – М.: Русайнс, 2018. – 135 с.: ил. – ISBN 978-5-4365-2693-5.
3. Экономический рост / В. А. Курзенов, В. Д. Матвеевко. – СПб.: Питер, 2018. – 608 с.: ил. – ISBN 978-5-4461-0530-4.
4. Руководитель проектов. Все навыки, необходимые для работы / Рэндалл Инглунд, Альфонсо Бусеро; Пер. с англ. Елизаветы Пономаревой. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2018. – 380 с.: ил. – ISBN 978-5-00117-591-9.
5. Рейтинги стран мира по уровню расходов на НИОКР (Research and Development Expenditure), Организация Объединённых Наций по вопросам образования, науки и культуры (ЮНЕСКО) / United Nations Educational, Scientific, and Cultural Organization (UNESCO), <http://www.uis.unesco.org/>

## ТАШҚИ ҲАВФ ТАҲДИДИ ШАРОИТИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Тўхтаев Козимходжа Қосимходжаевич –  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
давлат бошқаруви академияси, тингловчи

**Аннотация:** Мақолада миллий иқтисодиётга COVID-19 пандемиясининг таъсир қилиши таҳлил қилинган. COVID-19 пандемияси ташқи ҳавф сифатида электр энергетика тармоғига таъсир қилиш муаммолари очиб берилган ва уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Миллий иқтисодиётда электр энергетика соҳасини рақамлаштириш жараёнлари таҳлил қилинган ва устувор йўналишлари таклиф этилган.

**Таянч сўзлар:** миллий иқтисодиёт, ташқи ҳавф, COVID-19 пандемияси, электр энергетика, рақамли иқтисодиёт, “Ақлли шаҳар”, “Ақлли электр тармоқлари”.

**Аннотация.** В статье анализированы факторы влияния пандемии COVID-19 на национальную экономику. Раскрыты проблемы влияния пандемии COVID-19 как внешний фактор на электроэнергетическую отрасль и разработаны практические предложения по предотвращению их. Анализированы процессы цифровизации в национальной экономике электроэнергетическую отрасль и предложены приоритетные направления их развития.

**Ключевые слова.** национальная экономика, внешняя угроза, пандемия COVID-19, электро энергетическую отрасль, цифровая экономика, «Умный город», «Умная электросеть».

**Annotation.** The article analyzes the impact of the COVID-19 pandemic on the national economy. The problems of the impact of the COVID-19 pandemic as an external factor on the electricity industry are disclosed, and practical suggestions for preventing them are developed. The digitalization processes in the national economy are analyzed in the electric power industry and priority directions for their development are proposed.

**Key words.** national economy, external threat, COVID-19 pandemic, electric power industry, digital economy, «Smart City», «Smart Power Grid».

Маълумки, ҳар қандай тизимга ички ва ташқи омиллар ҳавф солиб туради, ҳамда ушбу тизимни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегик истиқболларини ишлаб чиқишда ушбу омилларни назарда тутиш зарур. Шундай, аввал ташқи ҳавфлардан бири бўлган ва бугунги кунда ички ҳавфга айланган COVID-19 коронавирус пандемияси бўлмоқда. COVID-19 пандемияси 2019 йил декабр ойида, Хитойнинг марказий Хубей провинциясида жойлашган Ухан шаҳрида тарқалишни бошлаган ҳамда жуда қисқа вақт ичида қарийб бутун дунё давлатлари ҳудудларида аниқланган.

Албатта, ҳар қандай табиий офатлар ва кенг кўламли эпидемик касалликлар ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий жараёнларига фақат салбий таъсир кўрсатади ва унинг зарар-

ларини аниқлаш ва унга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқилиши мазкур муаммога дуч келган давлатнинг олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) мутахассисларининг таҳлилларига кўра, пандемия туфайли дунё ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) аввал башорат қилинган 2,5 %га ўсиш ўрнига 2020 йилда қарийб 1%га тушиши мумкин (таққослаш учун: 2009 йилги жаҳон молиявий инқирози даврида жаҳон иқтисодиёти 1,7%га қисқарган)[8].

Бошқа кўплаб мамлакатлар сингари пандемия Ўзбекистонга ҳам ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан салбий таъсир кўрсатмоқда ва унга нисбатан курашиш ва унинг